



ТЕОДОР ДРАЙЗЕР ВА ШЕРВУД АНДЕРСОН

Бўриев Дилмурод Арзимуродович

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Тиллар кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7205110>

Теодор Драйзер (1871-1945) ижоди ўтмишнинг энг яхши ёзувчилари ва мутафаккирларини ўз ичига олган эди. У бадиий ижодда О. де Бальзак, Л.Н.Толстой, Ф.М.Достоевский, А.Дюма, Э.Золя, М.Твенларнинг реалистик ва натуралистик анъаналарига таянган. Ёзувчи-реалист Драйзер ўзининг ижодида шахснинг роли ва жамият ҳаётидаги ўрни муаммоларини кўтарган, бадиий калитда алоҳида одамнинг шахсий қарама-қаршилиқ муаммосини ва социумини тадқиқ қилган, ҳар хил психологик ва одамлар тўдасида индивид мавжудлигининг ижтимоий аспектларини батафсил кўриб чиққан.

Америка адабиётининг ажойиб устаси, Драйзернинг дўсти ва издоши Шервуд Андерсон ёзишича: “Теодорнинг оёқлари, оғир қўпол йўлни оёқ ости қилган. У олдинга йўл очиб ёлғон чангалзори орасидан кесиб ўтган” [152 б. 14]. Ҳақиқатан Драйзер америка реалистик адабиёти горизонтларини итариб унга алоқадор бўлганларга доирани кенгайтирган, унинг бутун ижодий ҳаётини таъқиб қилган танқидни рад қилишига қарамасдан қўрқувсиз одобли жамиятдаги “ноқулай” саволларни кўтарган.

Теодор Драйзернинг мероси билан Шервуд Андерсон ижодининг алоқасини таъкидлаган М.М.Коренева 1963 йилда Джон Стейнбекдан интервью олган журналист ҳикоясидан иқтибос келтирган. Ёзувчи фикрига кўра америка романлари асрининг манбасида ким тургани ҳақидаги саволга у Андерсон ва Драйзернинг [31б. 6] исмларини айтган.

Купер билан Драйзерни яқинлаштириб турувчи омиллар бу бизнес оламини кучли ёқтирмаслиги, ҳамда ҳикоянинг муфассал манераси. Купер ҳинд қабилалари ўлимларини тасвирлаётиб бутун бир ажойиб мағрур, ботир ва ҳақгуй ҳиндларнинг, оддий овчи-америкаликлар – фронтир яшовчиларининг образини яратган. Айнан уларнинг ҳаёти Купер учун “тамагирликка ва буржуа жамиятининг шавқатсизликлариға қарши озодлик тимсоли, ёрқин идеали” бўлган [100 б. 327].

Шунингдек, яна бир америка журналида С.Динамовнинг “Шервуд Андерсон ижоди ҳақида”ги мақоласида эслаб ўтган суръат ҳам диққатни тортади. Бу



суръатда “ярим очик эшикдан кираётган нурлар билан ёритилган жирканч одамлар гуруҳи” ўтиргани, “тирқишдан эса икки одам қараб турган” “зулмат, қоронғи кулба” тасвирланган. Шу суръат остида – “Шервуд Андерсон ва Теодор Драйзер одамлар аъзобларини кузатаптилар” [150 б. 379] деган ёзув бор эди.

Андерсон Драйзернинг “Даҳо” романининг моддий қизиқишлар ва қадриятлар ҳукмронлик қилаётган жамият, ёзувчига ўз истеъдодини сотишга мажбур қилиб санъатга парчаловчи таъсир кўрсатиши ҳақидаги марказий ғоясини ушлаб олади. Андерсон “... Америкада одам расом бўлмаслигига” [32 б. 8] амин эди.

У моддий қийматлар қамровига асосланган америка ҳаёт тарзи қусурларини тан олишни хоҳламаган, АҚШнинг кўплаб ёзувчилари амал қилган “ўзига хослик теорияси”ни бузган. Я.Н.Засурский таъкидлашича, Драйзер учун “капиталистик Америка Янги Олам бўлишдан тўхтаган эди” [152 б. 111] ва бунинг натижасида у ўзининг ижодида “Америка ва америкаликни қаҳрамонлаштириш”дан воз кечган [152 б. 111]. Бироқ у ўзининг негатив муносабатини аллегорик образларда эмас, балки ўз қаҳрамонларининг маънавий ва жисмоний ҳалокати тасвирида ифодалаган.

Теодор Драйзернинг яна бир издоши деб Ф.С.Фицджеральдни айтади. Я.Н.Засурский таъкидлашича, ёзувчини Драйзер билан “америка ҳаёти катастрофик трагизми” [97 б. 5] ҳисси бирлаштирган. Гарчи Фицджеральднинг нафосатли ва енгил услуби Драйзернинг оғир вазни ва кўплаб деталлари билан тўйинган услубидан узоқ бўлган, икки ёзувчида ҳам буржуаз Америкага нисбатан қандайдир умумийлик бўлган; Драйзернинг “Хоҳишлар трилогияси”да, Фицджеральднинг эса – кўплаб асарларида, энг аввало “Буюк Гетсби” (1925) романидаги “салбий ўлчамлари поэзия”сининг ўзига хослиги яқинлаштирган. Бундан ташқари, Фицджеральд ҳам Драйзер каби “америка фожиаси”га ўзининг вариантини таъбирлаб, бу шунчаки “шахснинг инқирози эмас, балки бутун Американинг фожиаси”эканлигини кўрсатган [93б. 30].

Шундай қилиб, Драйзер европача ва америкача адабиёт анъаналарини олиб уларни ўз ижодида асос сфатида қўллаган ва шу билан бирга XX аср Америка адабиётининг ўзига хослигини таъминлаган.



Шунингдек, О.де Бальзакдан Драйзер-реалист қаҳрамонни ривожлантиришда хронотопнинг таъсирига қаттиқ эътибор қаратган, айниқса унга Бальзак асарларига хос бўлган фонда воқеа юз берадиган даврнинг чуқур таҳлили яқин бўлиб чиққан. Драйзер Ф.Ницше ва Г.Спенсернинг фалсафий ҳолатларини антиқа боғлаб парадоксал образда бош қаҳрамонни кучли, компромиссиз, қаттиққўл, мақсад сари интилувчан тасвирлайди, лекин бир вақтнинг ўзида китобхонга ҳар қандай одам ҳаёт қонунлари олдида кучсиз эканлиги, Каупервуд ҳам – истисно эмаслигини тушунтириб беради. Бундан ташқари, Драйзер А.Шопенгауэр ва Н.Макиавеллиларнинг одам хоҳишлари ва эҳтиросларининг буюк кучи ҳақидаги, ҳамда буржуаз асосларнинг ҳалокатли таъсири туфайли жамиятнинг ахлоқсизланиши ҳақидаги ғояларининг кучли таъсири остида қолади.

Теодор Драйзернинг ижодида ушалган америка анъанаси ўз бошланишини молиявий муваффақият, прогресс, моддий қийматларнинг пропагандаси, ўсиб бораётган индивидуализм ҳақидаги Ф.Купер ва Г.Д. Торонинг ғояларида олади. Н.Готорн, Г.Мелвилл, Х.Гайрленд асарларида Драйзер пул ҳукмдорлиги ва молиявий бахтнинг иллюзорлиги ҳақидаги фикрларни сезади ва унга замондош бўлган жамият камчиликларини тижорат олами вакиллари образларида билган.

Замондошлари Дж.Лондон, Дж.Стейнбек ва Ч.Норрислар билан бирга Драйзер ўз қаҳрамонлари ҳаёти тарихи мисолида “америка орзуси”нинг асоссизлигини очиб беради, пул маъданияти ва муваффақиятга қаратилган америка онгининг асосий стереотипини синдиради. “Орзу”ни “фожиа”га айлантириб, ҳаётни тириклик кураши билан таққослаб, Драйзер унинг ўрнини матбуот ва жамиятнинг фаол қабул қилмаслигига қарамасдан акцентларни мардонавор қўйиб чиқади.

Миллий анъанани европаники билан бирлаштириб, Драйзер, тарбиявий роман ва карьера романи элементларини ўз ичига олган, шахсий жанрли модификацияни яратади, китобхонга ҳаёти давомида карьера пиллапоясида қаҳрамонларнинг ҳаракатланишини кузатишга имконият беради.

Шу билан бирга Драйзернинг жанр нуқтаи назаридан таъсирини унинг издошлари С.Льюис ва Ш.Андерсонлар ҳам ўз ижодларида синаб кўришган, Ф.С.Фицджеральд эса ўз навбатида Драйзердан америка ҳаёти трагизми ва бойларга ва бойликка амбивалент муносабат ҳиссини олган.





Таъкидлаш лозимки, Эски ва Янги Нур муаллифларининг фалсафий ва адабий анъаналарини синдириб, Драйзер ўзининг ижодида бадиий оламнинг асоси ва умуман, “Хоҳишлар трилогияси”ни ташкил қилган романларга хос жиҳатларни ўз асарларида ажойиб ижодий услуб сифатида ишлаб чиққан.

References:

1. Андерсон Ш. Избранное / Пер. с англ. М. Ландора. – М. : Худож. лит. – 1983. – 527 с.
2. Бальзак О. Утраченные иллюзии / Пер. Конник М.В. – М.: Правда. – 1989. – 492 с.
3. Динамов С. Зарубежная литература. – М.: Худож. Литер. – 1960. – 453 с.
4. Загарьина Е. М. Роман воспитания в литературе США первой половины XX века. – М.: Вестник Университета Российской Академии Образования. – 2010. – С. 28 - 30.
5. Засурский Я.Н. Проблема критического реализма в современном американском литературоведении // Современная литература США. – М.: Издательство Академии наук СССР. – 1962. – 228 с.
6. Засурский, Я.Н. Теодор Драйзер: жизнь и творчество. – М.: Изд. Моск. Университета. – 1977. – 319 с.
7. История зарубежной литературы XIX века / Под ред. Н.А.Соловьевой. - М.: Высшая школа. – 1991. – 637 с. – С. 326 – 428.

